

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭЛОВ ЖАМШИД БЕКМУРОДОВИЧ**

**ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ**  
**ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АХБОРОТ**  
**МОДЕЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.01.10 - Ахборот олиш тизимлари ва жараёнлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Элов Жамшид Бекмуродович**

Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини  
ошириш жараёнларининг ахборот моделлари ва тизимларини ишлаб  
чиқиш..... 3

**Элов Жамшид Бекмуродович**

Разработка информационных моделей и систем процессов  
переподготовки и повышения квалификации сотрудников  
медицинских учреждений..... 21

**Elov Jamshid Bekmurodovich**

Development of information models and systems of retraining and  
advanced training processes for employees of medical  
institutions..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭЛОВ ЖАМШИД БЕКМУРОДОВИЧ**

**ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ**  
**ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АХБОРОТ**  
**МОДЕЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.01.10 - Ахборот олиш тизимлари ва жараёнлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т1126 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хамдамов Уткир Раҳматиллаевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович**  
техника фанлари доктори

**Раҳманов Қурбон Содикович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» апрел да соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (185 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2021 йил «2» апрел кунини тарқатилди.  
(2021 йил «24» феврал даги 1 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**Р.Х.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Ф.М.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

**М.М.Мусаев**

*[Handwritten signature]*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ихтиёрий соҳани автоматлаштириш ва иш фаолиятини оптималлаштириш жараёнлари жадал тарзда ривожланиб бормоқда. Айниқса, тармоқда масофадан туриб маълумот олиш ва бошқарувни ташкил этиш юқори бошқарув натижаларига эришишга хизмат қилмоқда. Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларига ахборот тизимларини жорий қилиш тиббиёт соҳасидаги малака ошириш жараёнларини автоматлаштиришга олиб келади. Ушбу соҳада АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Дания, Швеция, Исландия ҳамда Ўзбекистонда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда турли таълим соҳаларида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим жараёнларида қўлланиладиган ахборот тизимлари бизнес жараёнларининг BPMN (Business Process Model and Notation) методологияси, IDEF (Integrated Definition) - мураккаб ахборот тизимларни моделлаштириш методологияси, реляцион алгебра асосида шакллантириладиган ERD (Entity-Relationship Diagrams) моделлари ва алгоритмлари асосида яратиш энг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ҳозирги кунда ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, моделлаштириш ҳамда яратиш ва жорий қилиш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг ахборот моделлари ва тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббиёт таълимида юқори сифатни таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш...»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларида халқаро тажрибага асосланган ҳолда замонавий малака ошириш курсларини ташкил этиш, ўқув жараёнларига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали сифатли таълим олишни ташкил этиш, тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мақсадида ахборот тизимларини моделлаштириш методологиялари асосида ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиббиёт ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича О.С.Безнос, А.Е.Михеев, А.В.Гусев ва А.С.Платоновлар, тиббиёт ахборот тизимларини яратишни классификацияга бўлиш бўйича С.А.Гаспарян, ахборот тизимларининг моделларини ишлаб чиқиш бўйича Я.Ю.Григорьев, И.М.Якимов ва И.Г.Фёдоров каби олимларнинг илмий ишлари ўрганилди.

Республикада ахборот тизимларини моделлаштириш, дастур алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, маълумотларни излаш ва ажратиш олиш бўйича М.Арипов, Р.Алоев, Д.Мухаммадиева, М.Мусаев, Х.Зайнидинов, М.Рахматуллаев, У.Хамдамов, А.Саидов, Қ.Раҳманов, О.Маҳманов, Б.Эловларни илмий тадқиқот ишлари ўрганилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, барча олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини ташкил этиш маълум бир қоидаларга асосланади, тиббиёт соҳасида эса ўқув жараён тубдан фарқ қилади. Жумладан, тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув жараёни ҳам бутунлай фарқ қилади. Ўқув жараёни цикллар асосида ташкил этилади. Шу сабабли ўқув жараёнини олиб боришда дарс жадвали, давомат, ўзлаштириш масалаларини бошқариш мураккаб ҳисобланади. Ахборот тизимини яратишда ушбу жараёнлар учун индивидуал ёндашув талаб этилади. Бундай ноанъанавий ўқув жараёнларини бошқаришнинг бизнес жараёнларига ахборот технологияларни қўллаш бўйича етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг №БВ-Ф4-011 – «Сигналларни ва тасвирларни қайта ишлаш масалаларида параллел ҳисоблашни назарияси, методлари ва воситаларини ривожлантириш» (2017-2020) лойиҳаси ҳамда 23/0218 – «Услуга по разработке и технической поддержке программного

обеспечения управления учета персонала и электронного документооборота» (2018), 28/052018 – «Услуга по разработке и технической поддержке информационной системы мониторинга учебного процесса» (2018), 29/0319 – «Информационная система организации и мониторинга курсов повышения квалификации для медицинских персоналов» (2019), 13 – «Информационная система мониторинга и оценки знаний обучаемых в процессе переподготовки и повышения квалификации медицинского персонала» (2020) номли шартномалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бизнес жараёнларини моделлаштириш, маълумотлар базаси ва тузилмаларини яратиш ҳамда MVC (Model-View-Controller) технологиялари асосида комплекс ахборот тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тиббиёт соҳасидаги ахборотлаштириш жараёнлари, илмий тадқиқот ишлари ва жорий этилган ахборот тизимларининг хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

нормаллаштириш қоидалари асосида тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ахборот тизимининг маълумотлар базаси ва реляцион мантиқий боғланишлар тузилмасини ишлаб чиқиш;

тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш комплекс ахборот тизимининг маълумотлар тузилмаси ва ахборот жараёнларининг IDEF моделларини ишлаб чиқиш;

MVC технологияси асосида тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш комплекс ахборот тизимини яратиш, интеграция қилиш ва ахборот тизими бизнес жараёнларининг BPMN моделларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолияти қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув жараёнини бошқариш учун хизмат қиладиган усуллар, моделлар ва алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган комплекс ахборот тизимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ахборот тизимлари ва реляцион маълумотлар базасини лойиҳалаш, структуравий ва функционал моделлаштириш, ахборот жараёнларини тавсифлаш ва бизнес жараёнларни моделлаштириш, MVC технологияси асосида ахборот тизимларини куриш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

комплекс ахборот тизимини лойиҳалаш ва яратишдаги асосий функцияларни белгилашда тиббиёт таълими ўқув жараёнининг ноанъанавий шаклларини ҳисобга олган ҳолда тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш фаолияти бизнес жараёнларининг BPMN (Business Process Model and Notation) моделлари яратилган;

маълумотлар базасининг асосий атрибутлари ёрдамида маълумотларни тўплаш ва ташқи ахборот тизимлари билан интеграция қилиш амалларини бажариш учун маълумотларнинг реляцион модели ва нормаллаштириш қоидалари асосида тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ахборот тизимининг маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ахборот тизимининг архитектураси ва бизнес-логикасини қуришда IDEF (Integrated Definition) моделлаштириш методологияси асосида ахборот тизимининг функционал моделлари ва маълумотлар тузилмаси ишлаб чиқилган;

малака ошириш ўқув жараёнларини ташкил этиш, мониторингини юритиш ва тингловчилар билимларини адаптив баҳолашга ихтисослашган ҳамда қарор қабул қилишга кўмаклашувчи маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва тақдим этиш комплекс ахборот тизими яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш, электрон йўлланма олиш, ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ҳамда тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизимларининг реляцион модел асосида маълумотлар базаси ва реляцион мантиқий боғланиш тузилмалари ишлаб чиқилган;

тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш, электрон йўлланма олиш, ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ҳамда тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизимларининг маълумотлар тузилмаси ва ахборот моделлари ишлаб чиқилган;

тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш, электрон йўлланма олиш, ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ҳамда тингловчилар билимларини баҳолаш комплекс ахборот тизимлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ахборот тизимининг ҳаёт циклида кечадиган жараёнлар ишлаб чиқилганлиги, реляцион модел асосида маълумотлар базаси яратилганлиги, нормаллаштириш қоидалари асосида жадваллар ишлаб чиқилганлиги ва улар ўртасида реляцион боғланишлар яратилганлиги, ахборот тизимининг маълумотлар тузилмаси ишлаб чиқилганлиги, ахборот тизимларини яратиш моделлари ва методологиялари асосида комплекс ахборот тизими яратилганлиги, ҳамда мос гувоҳномалар ва жорий қилинганлик тўғрисидаги далолатномалар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, нормаллаштириш қоидалари асосида яратилган маълумотлар базаси, реляцион алгебраик ҳисоблашлар, IDEF ва BPMN бизнес жараёнларни ташкил қилиш ва



бошқариш методологиялари асосида ахборот тизимларини лойиҳалаш ва яратиш усуллари таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув жараёнида ҳужжат айланишини рақамлаштириш, ишлаб чиқилган моделлар асосидаги ахборот тизимларининг яратилиши ва жорий қилиниши ўқув жараёнининг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг ахборот моделлари ва тизимлари илмий тадқиқоти асосида:

малака ошириш жараёнларининг IDEF ва BPMN моделлаштириш методологияси асосидаги ахборот моделлари, маълумотлар базаси ва реляцион мантикий боғланишлар, тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўзаро интеграциялашган комплекс ахборот тизими Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 33-8/7027-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларни қамраб олиш даражасини 1,5 баробарга ошириш ҳамда тингловчиларнинг маълумотларини шакллантириш вақтини 3 баробарга қисқартириш имконини берган;

нормаллаштириш қоидалари асосида яратилган маълумотлар базаси, реляцион алгебраик ҳисоблашлар ва MVC технологияси асосида яратилган ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ҳамда тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизимлари Тошкент тиббиёт академиясига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 33-8/7027-сон маълумотномаси). Натижада, муассаса ходимлари ва уларнинг шахсий ҳужжатлари электрон базасини яратиш ҳамда ходимларнинг электрон ҳужжатларини шакллантириш вақтини 2 баробарга, ҳисоботларни шакллантириш вақтини 3 баробарга қисқартириш, назорат синовларини топширувчи тингловчиларнинг маълумотларини шакллантириш вақтини 30 фоизгача, кўп вариантли назорат синовларини ўтказиш ва баҳолаш жараёнларининг вақтини 50 фоизгача қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотлар натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференциялар ҳамда илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар, улардан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шу жумладан 3 та хорижий, 3 та республика миқёсидаги журналларда чоп

этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиббиёт муассасаларида ахборот тизимларини жорий қилишнинг назарий таҳлили**» деб номланган биринчи бобида тиббиёт соҳасининг бизнес жараёнларига тадбиқ этилган ахборот тизимларининг ўрни ва таҳлили, тиббиёт ахборот тизимларининг халқаро миқёсдаги ривожланиш тенденцияси, тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизимларини ишлаб чиқишда қўйилган асосий талаблардан иборат назарий ва таҳлилий маълумотлар келтириб ўтилди.

Диссертацияда тиббиёт ахборот тизимлари бўйича ҳорижий давлатлар ва республикамизда олиб борилаётган илмий ва амалий тадқиқот ишлари атрофлича таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ностандарт ўқув жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ахборот тизимларини жорий қилиш бирмунча мураккабликни келтириб чиқаради. Лойиҳалаштириш жараёнида ностандарт масалаларни ечиш учун индивидуал ёндашувни талаб этади. Шу сабабдан тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг ахборот моделлари ва тизимларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро миқёсда бир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Илмий изланиш давомида бир нечта ривожланган давлатларда электрон тиббиёт ёки тиббиёт ахборот тизимларини ривожланиш босқичлари кўриб ўтилди. Жумладан Германия ва Жанубий Корея давлатларида тиббиёт ахборот тизимларининг ривожланиш босқичлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, АҚШ тиббиётида ахборот технологияларини кенг миқёсда жорий этиш натижасида 77 миллиард долларгача маблағларни тежашга олиб келган. Германияда ўтказилган тадқиқотлар «электрон соғлиқ» тизимида ўтиш даврида мавжуд ҳаражатларни 30 фоизгача тежалиши тахмин қилинган. Хусусан, электрон рецепт технологиясини жорий этиш йилига 200 миллион евродан ортиқ маблағларни тежашга хизмат қилган.

Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг ахборот моделлари ва тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий этишда ўқув жараёнидаги муаммолар, бизнес жараёнлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Қуйида берилган 1-жадвалда анъанавий ва тиббиёт соҳасида малака ошириш ўқув жараёнининг қиёсий солиштириш жадвали келтириб ўтилган.

### 1-жадвал


#### Ўқув жараёнининг қиёсий солиштириш жадвали

№	Жараёнлар	Анъанавий таълим жараёни	Тиббиёт соҳасида малака ошириш ўқув жараёни
1	Ўқув даври	Ўқув йили	Ўқув йили
		Семестр	
2	Контингент	Ўқитувчи	Ўқитувчи
		Талаба	Курсант
			Тингловчи
3	Дарс жадвали	Жуфтлик	Соат
		Фан	Цикл
		Мавзу	Цикл мавзуси
		Ўқув хонаси	База (бино, хона)
4	Ўқув машғулоти	Маъруза	Маъруза
		Амалиёт иши	Амалий дарс
			Мастер класс
			Маслаҳат соати
		Лаборатория иши	Лаборатори иши
Семинар	Семинар		
5	Назорат	Ж.Н., О.Н., Я.Н.	Тест назорати
			Амалий кўникма назорати
			Малакавий амалиёт назорати
			Якуний имтиҳон назорати

Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг комплекс ахборот тизимини яратишда тиббиёт соҳасида малака ошириш ўқув жараёнининг хусусиятлари инобатга олинди.

Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг комплекс ахборот тизимларини яратиш ва жорий қилишда бир қатор вазифаларни бажариш назарда тутилган. Жумладан: курсантлар ва ўқитувчилар контингентини юритиш, ўқув жараёнини ташкил этиш, курсантларнинг давомат ва ўзлаштириш мониторингини юритиш, ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш, электрон ҳисоботларни шакллантириш, кутубхона иш фаолиятини бошқариш, меҳмонхона назоратини юриш, тингловчиларнинг билимини баҳолаш ва мониторинг қилиш, электрон йўлланма олиш жараёнларини ташкил этиш ҳамда ходимлар бўлими иш фаолиятини автоматлаштириш каби функцияларни қамраб олиши зарур.


Ушбу талаблар асосида диссертация тадқиқоти давомида 1-расмда келтирилган ахборот тизимларини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



### **1-расм. Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг комплекс ахборот тизими**

1-расмда келтирилган ахборот тизимларини яратиш ҳамда улар ўртасида ўзаро интеграцияни ташкил этиш тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш жараёнларини автоматлаштириш, онлайн таълим хизматларини тақдим этиш, электрон ҳужжатлар айланиши, ўқув жараёнлари самарадорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Ахборот тизимларининг маълумотлар базаси ва реляцион боғланишларни ташкил қилиш**» деб номланган иккинчи боби реляцион модел асосида тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш комплекс ахборот тизимининг маълумотлар базасини яратишга бағишланган. Ахборот тизимининг маълумотлар базаси бир қатор жадваллардан ташкил топган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: *students, student\_contingent, student\_files, teachers, teachers\_meta, faculties, departments, cycles, groups, timetable, tb\_days, tb\_months, ratings, rating\_type\_cycle, absents, absenst\_control, activities, activities\_criterion, science\_work\_type\_fixed, activities\_result, articles, books, dissertation, journals, patents, projects, organizational, contracts, contract\_meta, countries, provinces, cycle\_category, cycle\_type, contract\_type, doc\_type, rating\_type, sub\_notifacitions\_type, science\_work\_type, nations, occupation, occupation\_type, hours, pairs, regions, study\_years, specialties, posts, reg\_hotel, hotel\_rooms\_currency, entrance\_hotel, rooms\_hotel, library\_reg, electronic\_submission, submission\_notifacitions, submission, report\_file*. Диссертация тадқиқоти давомида ишлаб чиқилган комплекс ахборот тизими негиздаги тўртта қуйитизимларнинг реляцион модел асосида маълумотлар базасини яратилган. Нормаллаштиришнинг 1-, 2-, 3-қоидалари асосида ахборот тизими маълумотлар базасининг жадваллари ҳосил қилинган ва улар ўртасида реляцион боғланишлар ишлаб чиқилган. Қуйида келтирилган 2-расмда тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизими маълумотлар базасининг жадваллари ўртасидаги ўзаро боғланиш тузилмаси ишлаб чиқилган.



**2-расм. Тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш ахборот тизими маълумотлар базасининг жадваллари ўртасидаги ўзаро боғланиш тузилмаси**

Ушбу келтирилган тузилмага биноан тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизимининг маълумотлар базасидаги жадваллар  $\{R_1, R_2, \dots, R_n\}$  кўринишида белгиланган. Ҳар бир муносабатлар камида битта кортеж (сатр) ва атрибут (устун)лардан иборат. Ушбу параметрлар қуйидагича тасвирланган:  $X_i$ - атрибутлар тўплами,  $r_1[x_i]$  –  $X_i$  атрибутга мос келувчи  $R_i$  муносабатнинг кортежлари. Реляцион маълумотлар базасидаги жадвалларни шакллантириш қуйидагича амалга оширилади (1-формула).

$$R_i[X_i] = \{r_1[X_i] \mid r_1 \in R_i\} \quad i=1, \dots, n; \quad (1)$$

Тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизими жадваллари ўртасида жами 64 та муносабат ишлаб чиқилган бўлиб, 28 та энг асосий муносабатларга тўхталиб ўтамиз. (2) формула ёрдамида муассаса структурасидаги факультет жадвали муносабатларини яратиш орқали реляцион ҳисоблашларни бажариш имкони яратилади:

*Faculty* –  $R_1$  муносабати муассасадаги факультетлар номини белгилашга хизмат қилади:

$$R_1[x_1, x_2] = \{r_1[x_1], r_1[x_2] \mid r_1 \in R_1\} \quad (2)$$

бу ерда,  $r_1[x_1]$  – факультет коди,  $r_1[x_2]$  – факультет номи.


Тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизими орқали маълум бир параметрлар асосида ўқув жараёнига тааллуқли бўлган бир қатор ҳисоботларни шакллантириш имконияти яратилган. Масалан, 2020 йил январь-феврал ойларида ўз касбий малакасини оширган тингловчилар рўйхати ва уларнинг маълумотларидан иборат ҳисоботни ҳосил қилиш учун қуйидагича формулани шакллантириш мумкин:

$$\begin{aligned} R_9 \succ R_{18} \succ R_{28} \succ R_6 = & \{(r_9(x_1), r_{18}(x_2), r_{18}(x_3), r_{28}(x_1) \\ & r_{28}(x_4), r_6(x_3), r_6(x_5), r_6(x_6)) \mid \\ & | r_9 \in R_9 \wedge r_{18} \in R_{18} \wedge r_{28} \in R_{28} \wedge r_6 \in R_6 \wedge \\ & \wedge r_9(x_1) \theta r_{18}(x_2) \wedge r_{18}(x_4) \theta r_{28}(x_1) \wedge r_{28}(x_4) \theta r_6(x_1) \wedge \\ & \wedge r_6(x_5) \geq "2020.01.01" \wedge r_6(x_6) \leq "2020.02.29" \} \end{aligned} \quad (3)$$

Худди ушбу ёндошув ва усул орқали комплекс ахборот тизими негизида яратилган тўртта қуйитизимларнинг ўқув жараёнларини ташкиллаштиришга оид исталган сўровларини шакллантириш мумкин.

Диссертациянинг «Тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш комплекс ахборот тизимининг маълумотлар тузилмаси ва ахборот моделларини яратиш» деб номланган учинчи боби тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш комплекс ахборот тизимининг структураси, архитектураси, маълумотлар тузилмаси ва ахборот

моделларини куришга қаратилган. Тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ахборот тизимларининг тузилмасини куришда масаланинг қўйилиши, талаблар, таклифлар ҳамда тизимда кечадиган жараёнлар асосини ташкил қиладиган маълумотлар оқими асос қилиб олинган. Тизимни ишлаб чиқишда кириш-чиқиш маълумотларнинг тури ва уларга қўйиладиган талаблар ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу маълумотлар асосида тизимни яратиш жарёнида ечимларни топиш, алгоритмларини яратиш, моделлаштириш масалаларини ҳал этиш, технологияларни танлаш ҳамда тизимни яратиш ишлари олиб борилади. Тизим яратилгандан сўнг маълум ҳуқуқлар асосида фойдаланувчилар яратилиб тизимдан фойдаланиш ва синовдан ўтказиш жараёни амалга оширилади. Сўнги қадамда тизимлараро интеграция масалалари ҳал этилади. Қуйида келтирилган 3-расмда тиббиёт муассасалари ходимларининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш комплекс ахборот тизимининг архитектураси келтириб ўтилган.




**3-расм. Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва комплекс ахборот тизимининг архитектураси**

Тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш комплекс ахборот тизими тўта қуйитизимлардан таркиб топган бўлиб, булар: тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизими, малака ошириш учун электрон йўлланма олиш ахборот тизими, муассаса ходимлар бўлими фаолиятини бошқариш ахборот тизими ва тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизимларидир. Ушбу ахборот тизимлари локал ва глобал тармоқ протоколлари асосида ўзаро интеграциялашган ҳолда ишлайди.

Тадқиқот доирасида тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш комплекс ахборот тизимининг маълумотлар тузилмаси ва ахборот моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги ахборот тизими модуллари, маълумотлари ва уларнинг боғлиқлик тузилмаси таълим муассасаси тузилмасига мос равишда олинган.


Тизим тузилмасининг асосий бўғини таълим муассасаси ва унинг факультетларидан ташкил топган. Тизим ягона марказлашган маълумотлар базасига эга бўлиб, маълумотлар факультетлар кесимида шаклланади (4-расм). Факультет негизида кафедралар ва ундаги ўқитувчилар контингенти, курсантлар контингенти, цикллار ва уларнинг турлари ҳамда муддатлари, йиллик календар режа ва унга мос равишда дарс жадвали ташкил этилади.



**4-расм. Ахборот тизими маълумотларининг умумий тузилмаси**



Ушбу тизим маълумотлари структураси ёрдамида ўқув жараёнини ташкиллаштириш функционал модулининг IDEF модели қурилган (5-расм). Тизим иштирокчилари сифатида администратор, ўқув бўлими, кафедра, ўқитувчи ва курсант иштирок этади.




**5-расм. Тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизимининг IDEF модели**

Келтирилган моделлаштириш усуллари ёрдамида диссертация ишида ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ҳамда тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизимларининг маълумотлар тузилмаси ва IDEF моделлари ҳам қурилган бўлиб, ахборот тизимини яратиш ушбу маълумотлар тузилмаси ва IDEF моделларига таянган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг «Тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизимларини яратиш» номли тўртинчи бобида тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш комплекс ахборот тизими яратилган ва ахборот тизимларида кечадиган жараёнларнинг BPMN моделлари қурилган.

Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш ахборот тизими веб технологиялар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, клиент-сервер архитектураси асосида маълумотларни қайта ишлайди. Тизимни яратиш ўқув жараёнини ташкил этишнинг BPMN моделига таянган ҳолда амалга оширилган.

Қуйида келтирилган 6-расмда тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув жараёнини ташкил этишнинг BPMN модели тасвирланган.



**6-расм. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ўқув жараёнини ташкил этишнинг BPMN модели**

Ушбу жорий қилинган ахборот тизими ёрдамида ўқув жараёнлари ташкил этиш натижасида тўпланган маълумотлар асосида маълум статистик ахборотларни олиш мумкин. Сўнгги йилларда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизимида жами 33 362 нафар тингловчилар рўйхатдан ўтиб ўз касбий малакасини оширган.

Бюджет ҳисобида малака оширишни истаган талабгорлар йўлланма асосида малака ошириш курсларида қатнашиши мумкин. Электрон йўлланма олиш ахборот тизими масофадан ҳужжатлари электрон равишда топшириш ва тегишли йўлланмани олиш имконини тақдим этади. Электрон йўлланма олиш ахборот тизими орқали 2019/2020 ўқув йилининг март-май ойларида жами 517 нафар талабгорлар рўйхатдан ўтган. Комплекс ахборот тизими таркибида яратилган ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ахборот тизимида жами 607 нафар ходимларнинг маълумотлари шакллантирилган бўлса, тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизимининг базасида эса жами 114 мингдан ортиқ саволлар шакллантирилган бўлиб, улар ёрдамида 8980 нафар тингловчиларнинг билимлари синовдан ўтказилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган комплекс ахборот тизими ҳозирги кунда пандемия шароитида масофадан туриб ўқув жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, ходимлар ҳужжатларини электрон юритиш ҳамда тингловчиларнинг билимларини онлайн баҳолаш каби масалаларни ечишга хизмат қилмоқда.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ва улар доирасида белгиланган вазифалар ўрганилди. Тиббиёт ахборот тизимларини яратишда тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинди ҳамда тиббиёт ахборот тизимларини яратишдаги ёндашувлари, моделлари ва усуллари ўрганилди. Таҳлил ва ўрганишлар комплекс ахборот тизимини лойиҳалаш ва яратишга асос бўлди.

2. Тиббиёт муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг комплекс ахборот тизимларини ишлаб чиқишда қўйилган асосий талаблар, ахборот оқимларининг BPMN моделлари, ҳаёт цикли моделлари ва улар орасидаги кечадиган жараёнлар ишлаб чиқилди. Яратилган ахборот оқимларининг BPMN моделлари ва ахборот тизимининг ҳаёт цикли модели ахборот тизимини ишлаб чиқиш сифатини ошириш учун хизмат қилди.

3. Маълумотлар базаларини нормаллаштириш қоидалари асосида 59 жавдал ва 64 та муносабатдан иборат тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш ахборот тизими, 12 та жадвал ва 14 та муносабатдан иборат электрон йўлланма олиш ахборот тизими, 33 та жадвал ва 39 та муносабатдан иборат тиббиёт соҳасидаги малака ошириш муассасаларининг ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ахборот тизими ҳамда 10 та жадвал ва 8 та муносабатдан иборат тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизимларининг маълумотлар базаси тузилмаси ва реляцион боғланишлари ишлаб чиқилди. Натижада маълумотлар структураланди SQL-сўровлар ташкил этилди ҳамда комплекс ахборот тизимининг маълумотлар базасида сўровларни бажариш тезлиги ошишига эришилди.

4. Тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш комплекс ахборот тизимининг клиент-сервер технологиясига асосланган архитектураси ҳамда тизимда кечадиган жараёнлар ва маълумотларнинг ўзаро боғланиш структуралари ишлаб чиқилди. Ахборот тизимининг архитектура тизимининг клиент қисмига тушадиган юкломани камайтириш имконини беради ва ахборот оқимларини алмашиш тезлигини ошириш таъминланди.

5. Тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш комплекс ахборот тизимининг таркибига кирувчи ахборот тизимларининг маълумотлар тузилмаси, улардаги бизнес жараёнларнинг ахборот моделлари ҳамда тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ ходимлар ва тингловчилар контингентини бошқариш, ўқув жараёнларини ташкил этиш ҳамда тингловчилар билимларини баҳолаш

ва ўзлаштириш ҳисобини юритиш бўйича ахборот тизимининг IDEF моделлари ишлаб чиқилди. Ушбу яратилган IDEF моделлари комплекс ахборот тизимини моделлаштириш масалаларини ечишга хизмат қилди.

6. Тиббиёт муассасалари ходимларини малакасини ошириш ахборот тизимида кечадиган жараёнлар ҳамда тиббиёт ходимларинг малакаси ошириш ўқув жараёнини ташкил этишнинг BPMN модели ишлаб чиқилди ҳамда ахборот тизимининг кўп тилли дастур интерефейси яратилди. Ахборот тизимини жорий қилиш натижасида 2019/2020 ўқув йилида тингловчилар сонининг 1,5 борабар ошишига ҳамда тингловчилар ҳужжатларини шакллантириш вақтини эса 3 баробар қисқартиришга эришилди.

7. Малака ошириш учун электрон йўлланма олиш ва ходимлар бўлими фаолиятини бошқариш жараёнларининг автоматлаштирилган ахборот моделлари ишлаб чиқилди ҳамда электрон йўлланма олиш ахборот тизимининг BPMN жараёнлар модели шакллантирилди. Тингловчилар онлайн режимда ҳужжатларини топшириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилди ҳамда ахборот тизими орқали тингловчиларнинг маълумотларини шакллантириш вақти 3 баробарга қисқарди.

8. Малака ошириш, қайта тайёрлаш ва мустақил таълим жараёнларида иштирок этаётган ходимларнинг билимларини баҳолаш ва доимий мониторинг қилиш мақсадида тингловчилар билимларини баҳолаш ахборот тизими яратилди. Ахборот тизими негизида тест синовларини ташкил этиш ва ўтказишнинг BPMN жараёнлари моледи ишлаб чиқилди. Ахборот тизимини жорий қилиш натижасида тест топширувчилар маълумотларини шакллантириш вақти ҳамда синовларни ўтказиш ва баҳолаш жараёнларининг вақти 30 фоизга қисқарди.

9. Малака ошириш жараёнларида иштирок этадиган ходимлар фаолиятини бошқариш учун малака ошириш муассасаси ходимлар бўлими иш фаолиятини бошқариш ахборот тизими ишлаб чиқилди. Натижада муассаса ходимларига тегишли шахсий маълумотларнинг электрон алмашинуви йўлга қўйилди ҳамда ходимларнинг ҳужжатларини шакллантириш вақтини қисқартиришга эришилди.

10. Диссертация тадқиқоти натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимларини куриш моделлари, ахборотларга ишлов бериш усуллари, ахборот тизимидан фойдаланишни ташкил этиш IDEF ва BPMN моделлари ҳамда тиббиёт муассасалари ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш комплекс ахборот тизимлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясида жорий қилинди. Натижада малака ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг интерактив хизматлари жорий қилинди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**ЭЛОВ ЖАМШИД БЕКМУРОДОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННЫХ МОДЕЛЕЙ И СИСТЕМ  
ПРОЦЕССОВ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ  
СОТРУДНИКОВ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

**05.01.10 – Информационные системы и процессы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/T1126.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Хамдамов Уткир Рахматиллаевич  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович  
доктор технических наук  
Рахманов Курбон Содикович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «15» апрель 2021 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 185). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «2» апрель 2021 года.  
(протокол рассылки № 1 от «24» февраль 2021 г.).



**Р.Х. Хамдамов**

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, доктор технических наук, профессор

**Ф.М. Нуралиев**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор технических наук, доцент

**М.М. Мусаев**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Благодаря внедрению информационных технологий, в мире стремительно развиваются процессы автоматизации и оптимизации деятельности каждой отрасли. Особенно, организация удаленного доступа к информации и управления в сети служит достижению высоких управленческих результатов. Внедрение информационных систем в процессы переподготовки и повышения квалификации работников медицинских учреждений приводит к автоматизации процессов повышения квалификации в области медицины. В этой области ряд работ ведутся в США, Великобритании, Южной Корее, Дании, Швеции, Исландии и Узбекистане.

В различных сферах образования по всему миру проводятся научные исследования по разработке информационных систем для автоматизации процессов управления и формированию баз данных. Одним из основных направлений является создание информационных систем, используемых в образовательных процессах на основе методологии моделирования бизнес-процессов BPMN (Business Process Model and Notation), методологии моделирования сложных информационных систем IDEF (Integrated Definition), а также алгоритмов ERD (Entity-Relationship Diagrams) на основе реляционной алгебры.

В настоящее время проектирование, моделирование, создание и внедрение информационных систем в нашей республике осуществляется ускоренными темпами. Проводятся широкомасштабные меры по разработке информационных моделей и систем переподготовки и повышения квалификации работников медицинских учреждений, а также по обеспечению высокого качества медицинского образования. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в том числе «... продолжить политику подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, внедрения и использования передовых информационных и коммуникационных технологий ...»<sup>2</sup>. Реализация этих задач, в том числе организация современных курсов по повышению квалификации, основанных на международном опыте в процессе переподготовки и повышении квалификации высококвалифицированных кадров в сфере медицины, организация качественного образования с помощью внедрения информационно-коммуникационных технологий в учебные процессы, в целях оценки знаний и навыков слушателей, разработка и внедрение информационных систем на основе методологий моделирования информационных систем является одним из важных задач.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», №УП-6079 от 5 октября 2020 года «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Были изучены научные работы ученых О.С. Безноса, А.Е. Михеева, А.В. Гусева и А.С. Платонова по разработке и внедрению медицинских информационных систем, С.А. Гаспаряна по разделению на классификации создания медицинских информационных систем, Я.Ю. Григорьева, И.М. Якимова и И.Г. Фёдорова по разработке моделей информационных систем.

В республике по моделированию информационных систем, разработке и внедрению программных алгоритмов, поиску и извлечению информации были изучены научные работы М. Арипова, Р. Алоева, Д. Мухамадиевой, М. Мусаева, Х. Зайнидинова, М. Рахматуллаева, У. Хамдамова, А. Саидова, К. Рахманова, О. Махманова и Б. Элова.

